

ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ САНОАТИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ  
БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дехканов Шерзод Абдумуталибович -  
Фаргона политехника институти,  
мустақил изланувчи

**Аннотация.** Мақолада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналарини бошқаришининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириши, унинг элементлари муносабатларини яхшилаб бориши ушбу соҳада фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши масалалари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** ташкилий-иқтисодий механизм, такомиллаштириш, акциядорлик жамиятлари фаолияти, инвесторлар, инвестициялар, замонавий корпоратив бошқарув, корхоналарни стратегик бошқарши.

РАЗРАБОТКА ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ КОРПОРАТИВНОГО  
УПРАВЛЕНИЯ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ ОТРАСЛИ СТРОИТЕЛЬНОЙ ПРОДУКЦИИ

Дехканов Шерзод Абдумуталибовия -  
Ферганский политехнический институт,  
независимый искатель

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы совершенствования организационно-экономического механизма управления предприятиями отрасли строительных материалов, совершенствования взаимосвязи его элементов, повышения эффективности производства предприятий, работающих в этой сфере.

**Ключевые слова:** организационно-экономический механизм, совершенствование, деятельность акционерных обществ, инвесторы, инвестиции, современное корпоративное управление, стратегическое управление предприятиями.

DEVELOPMENT OF ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS OF CORPORATE  
GOVERNANCE IN JOINT-STOCK COMPANIES IN THE CONSTRUCTION PRODUCTS INDUSTRY

Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich -  
Fergana Polytechnic Institute, independent seeker

**Annotation.** The article discusses the issues of improving the organizational and economic management mechanism of enterprises in the construction materials industry, improving the relationship of its elements, increasing the production efficiency of enterprises working in this area.

**Key words.** Organizational and economic mechanism, improvement, activities of joint stock companies, investors, investments, modern corporate governance, strategic management of enterprises.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш, улар фаолиятига инновацион жараёнларни татбиқ этиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарини модернизация қилиш, бошқарувнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив тузилмалардаги бошқарув тизимидағи ёндашувларни тубдан ўзгартириш, корпоратив муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, давлат улушини қисқартириш, инновацион жараёнларни самарали бошқарувининг халқаро эътироф этилган тамойилларига амал қилиш, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш сингари жараёнларни жадаллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...инновация фао-

лиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» [1], «...иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир» [2] – деб кўрсатиб ўтилган ҳамда муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бундай вазифаларнинг самарали ҳал этилиши акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашининг ташкилий асосларини такомиллаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, йирик ва миноритар акциядорлар ўртасидаги муносабатларни тартиба солиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятида рискларни бошқариш ва назорат қилиш амалиётини жорий этиш, акциядорлик корхоналари инновацион салоҳиятини рейтинг баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда узоқ муддатли истиқболдаги прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион жараёнлар

нинг стратегик бошқарув механизмларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бугунги кунда илмий манбаларда “корпоратив бошқарув”, “корпоратив муносабатлар”, “корпоратив молия”, “корпоратив тузилма”, “корпоратив бирлашма”, “корпоратив корхона” каби тушунчаларининг мазмунини намоён этувчи хилма-хил, жуда кўплаб таърифлар мавжуд. Масалан, И.А.Храброванинг [3] фикрича, корпоратив бошқарув – бу қабул қилинган мақсаддан келиб чиқиб бизнесни ташкилий-хуқуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш ҳамда компаниянинг ички муносабатларини яратишдир. С.Карнаухов [4] эса “Корпоратив бошқарувни маълум стратегик самаралар ийинисидир”, – деб таърифлаган.

Мамлакатимиз олимларидан Б.Беркинов [5] биринчилардан бўлиб, корпоратив бошқарув тизими таърифини аниқлаштириб берган. Муаллифнинг фикрича, “Корпоратив бошқарув тизими – бу мураккаб, тез ўзгарувчан механизм бўлиб, у бир-бирига боғлиқ кўплаб ташкил этувчиликар, жумладан, қонунчилик, қонуности хужжатлар ҳамда корпорацияни мулқдорлар, бошқарувчилар ва кредиторлар томонидан назорат қилишининг ички механизми ҳисобланувчи ички меъёрий хужжатлар мажмуини ўз ичига олади”. Ш.Зайнутдинов, Д.Рахимоваларнинг [6] фикрига кўра, “Корпоратив бошқарув бу – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргалидаги ҳаракатлари”dir. Мазкур йўналишда илмий изланиш олиб борган Д.Суюнов [7] “Корпоратив бошқарув – бу мулк шаклидан қатъий назар амалдаги хуқуқий меъёrlарга асосланиб, бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга оширилувчи фаолият мажмуидир”, – деган таърифи берган. М.Ҳамидулин [8] “Корпоратив бошқарув – бу корпорация мулқдорларининг корпорация капиталини шакллантиришга, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирини таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир”, – деган таърифни келтиради. А.Хашимов [9] “Корпоратив бошқарувнинг асосий мазмуни акциядорлик жамиятининг фаолиятига жалб этилган турли шахслар манфаатларининг мувозанатини ўрнатишдан иборат”, – деган хulosага келган. М.Амонбоев эса “корпоратив бошқарув янги инновацион ёндашувнинг кучайтирилишига, яъни иқтисодий субъектлар манфаатлари, масъулиятлари ва ҳатти-ҳаракатларини оқилона равишда мувофиқлаштирувчи турли дастак ва во-

ситаларнинг ишлаб чиқилишига олиб келади” – деб таъкидлайди.

М. Ташходжаев “Корпоратив бошқарув тизими – бу умумий мақсад йўлида мулкий ва бошқарув муносабатлар иштирокчилари (менежерлар) ҳаракатини таъминлаш орқали манфаатдор томонлар (ишли ходим, кредитор, давлат ва бошқ.) манфаатларини рўёбга чиқарилишини таъминловчи механизмлар мажмуидир”, – деган фикрни илгари сурган. Юқорида келтирилган олимларнинг корпоратив бошқарув тушунчасига берган таърифлари корпоратив бошқарув шаклларини ўрганганлик натижаларига тааллуқлидир.

**Тадқиқот методологияси.** Курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив менежмент ҳамда корпоратив бошқарувнинг амал қилиши улар самарадорлигини ошириш механизмларини аниқлашда бир қадар қийинчиликлар туғдиради. Умуман олганда, курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимининг икки томонлама жиҳатларини ўзаро уйғунлаштириш муҳим масалалардан саналади. Акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимини такомиллаштиришда кўзланган мақсад иштирокчи томонлар қизиқишиларини инобатга олган ҳолда жамоавий ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик асосида мавжуд барча ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори самарадорлик дарајасига эришиш саналади. Бунинг учун эса қуйидагилар бўлиши зарур:

- курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятларида оқилона иқтисодий концепция (бизнес-режа) тузилиши ва уни амалга оширишга лаёқатли юқори малакали менежерлар бўлиши лозим;

- курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамияти ўз лавозим вазифаларини муваффақиятли бажарган бошқарувчиларга муносаби равишда ҳақ тўлаш орқали уларни самарали рағбатлантириш зарур;

- курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятида мулқдорлар хуқуқларини, айниқса, миноритар акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилишининг самарали механизми ишлаб чиқилиши лозим;

- курилиш маҳсулотлари акциядорлик жамияти иқтисодий фаолиятининг шарт-шароитлари шаффоф бўлиши ва шу орқали бошқарувчиларнинг ҳамда бошқа ижро этувчи ходимларнинг акциядорлар олдида тегишли равишда ҳисоб бериб туришлари таъмин этилиши шарт;

- мулқдорлар (акциядорлар) уларнинг активларидан самарали фойдаланиши ҳамда фойда адолатли тақсим этилиши бўйича кафолатга эга бўлишлари лозим;

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

• мулқорлар (акциядорлар) билан менежерлар қизиқышлари уйғуныгини таъминловчи механизм ишлаб чиқилиши лозим.

Фикримизча, қурилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятларида, умуман, республикамизда корпоратив бошқарув модели инсайдер моделига яқиндир. Ушбу модельнинг устунлик жиҳатлари қўйидагилар саналади:

- ташкилотнинг узоқ муддатли ривожланиши;
- ички ва ташқи омиллар бир маромдлаги;
- банкротликнинг кучсиз хавфлари;
- стратегик альянслар мавжудлиги;
- компания менежерлари фаолиятини назорат қилишнинг самарали тизими мавжудлиги.

Курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив менежментни истиқболда ривожлантиришнинг зарурати шу билан изоҳланади-ки, ушбу тадбирни амалга ошириш орқали қўйидаги ижобий самараларга эришиш мумкин:

• акциядорлик жамияти инвестиция жозибадорлигини ошириш;

- кенг миқёсда инвесторларни жалб этиш;

- фоалият самарадорлигини янада ошириш;

- банк кредитлари олиш харажатларини камайтириш;

- корхона бозор қийматини ошириш;

- капитал бозорига киришни енгиллаштириш;

- корхона имижи ва обрўсими ошириш.


Бизнингча, ҳозирги шароитда қурилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштиришнинг асосий вазифа ва йўналишлари қўйидагилар саналади:

- ҳалқаро амалиётни кенг қўллаш;

- мулқорлар ҳуқуқлари ва қизиқышларини ҳуқуқий жиҳатдан тартиблаштиришда фаол иштирок этиш;

- инвестицияни жалб этишни мўлжаллаш.

Бунинг учун қўйидаги йўналишларда тадбирлар амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).



1-расм. Курилиш маҳсулотлари акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувини механизмини такомиллаштириш тадбирлари асосий йўналишлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Корпоратив шаклда хўжалик юритишнинг самарали фаолият юритиши ҳамда ривожланиши жараёни автоматик тарзда ўз-ўзидан намоён бўймайди. Самарали корпоратив бошқарув, асосан, танланган стратегияга мос келувчи ташкилий тузилмани шакллантириш, шунингдек, нафақат корпорация стратегияси тизимини танлаш, балки уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиши таъминлайдиган *ташкилий-иқтисодий* шакллантириш орқали эришилади.

Шу билан биргалиқда, фикримизча, ушбу механизмнинг ҳар иккала жиҳатларини бирликда, ягона тизимда, ўзаро алоқадорликда, ўзаро боғлиқлиқда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу иккита ташкил этувчининг мавжудлиги

механизм моҳиятини очиб берибина қолмай, балки унга ташкилий-иқтисодий механизм деган номни ҳам беради.

Курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятлари бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизми жиҳатлари

механизмни шакллантириш ва уни амалиётга муваффақиятли қўллаш давр тоқазоси бўлиши билан биргалиқда тармоқ корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳам саналади.

Бизнинг фикримизча, “ташкилий-иқтисодий” категориясининг моҳиятини очиб беришда унинг ижтимоий-иқтисодий, назарий-методологик, услубий, ташкилий, ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш лозим бўлади (2-расм).

**Курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятлари бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизми жиҳатлари**

Ижтимоий-иқтисодий      Назарий-методологик      Услубий      Ташкилий      Ҳуқуқий

**2-расм. Курилиш маҳсулотлари тармоғи акциядорлик жамиятлари бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизми жиҳатлари**

*Манба:* муаллиф ишланмаси.

*Ижтимоий-иқтисодий жиҳат* корпоратив тузилмалар хўжалик юритиш жараёни, фантехника тараққиёти, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш ҳамда шу каби бошқа жараёнларда пайдо бўладиган мураккаб ўзаро муносабатлар тизимиға бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи шакл ва усуllibарни ўз ичига олади.

Ташкилий-иқтисодий механизмнинг *назарий-методологик жиҳати* ушбу механизмини ишлаб чиқишининг концептуал ёндашувлари жамламасини, унинг вариантлари ва сценарийларини, кўрсаткичлар (параметрларни) танлаш тизимиғи ўз ичига олади.

Услубий жиҳат эса бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини амалиётга қўллашда олинадиган натижаларни тавсифловчи кўрсаткич (параметр)ларни ҳисоблаш тартибларини ўз ичига олади.

Ушбу механизмнинг ҳуқуқий жиҳатлари бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини амалга оширишга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни жорий этиш масалаларини қамрайди. *Ташкилий жиҳат* эса ўз ичига бошқарув органи ва хўжалик бошқаруви тизимини яратиш, унинг таркибини шакллантириш, шаклларини танлаш, ваколат ҳамда вазифаларни муқобил тақсимлаш, назорат ва тартиблаштириш кабиларнинг назарий ва амалий масалаларини олади.

Айни пайтда мамлакатимизнинг реал иқтисодиётида фаолият юритаётган айrim қурилиш маҳсулотлари корхоналарида эски техно-

логиялар ёки жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб бўлган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар асосида ишламоқда. Мазкур ҳолатлар тобора кучайиб бораётган рақобат муҳити ҳамда мунтазам ўзгариб турадиган бозор талаблари асосида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан янгича ёндашиш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан доимий равища модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини шакллантириш заруратини юзага келтиради.

Бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган стратегик мақсадга эришишга йўналтирилган бошқарув қарорларини ижро этувчи, белгиланган функцияларга кўра ўзаро боғланган бўғинлар мажмуасини ифодалайди.


Курилиш саноати корхоналарида шу мақсадда ишлаб чиқариш бўйлимлари ва уларга хос бўлган бошқаришнинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Курилиш корхоналари ишлаб чиқариш жараёнига эътибор берадиган бўлсак, бунда ривожланишнинг экстенсив ва интенсив турларидан фойдаланишишнинг гувоҳи бўламиз. Тизим корхоналарида экстенсив ривожланиш, яъни маҳсулот ҳажмини кескин оширишни, одатда, миқдорий омиллар молиявий ресурсларга эҳтиёж сезилмаган ҳолатда амалга ошириш мумкин.

Аммо бугунги бозор шароитларига мослашиш кўпроқ корхоналардан сифат омиллари –

янги билимлар, фан соҳасидаги янги ютуқлардан фойдаланиш ҳамда малакали кадрлар ҳисобига иқтисодий ўсишга интенсив эришишин талаб қиласи. Ресурсларни иқтисод қилиш қурилиш маҳсулотлари корхоналарида иқтисодий самарадорликнинг ўсишига замин яратади.

Курилиш маҳсулотлари саноати корхоналарида замонавий технология, кадрлар малакаси, янги меҳнат предметлари ва улардан оптимал фойдаланиш мазкур тармоқда ресурслардан кўшимча самара олишга имконият яратади.



**З-расм. Курилиш маҳсулотлари саноатида акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари**

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Умуман олганда, курилиш саноати корхоналарида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш борасида доимий равишда корхона фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда рақобатчиларнинг молиявий имкониятлари ва ўзининг мавжуд ресурсларини баҳолаш тартибини жорий этиш; корхонада бошқариш тузилмаси самарадорлиги ва ходимлар таркибини таҳлил қилиб бориши. Бунда асосий эътиборни ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги ходимларнинг касбий тайёргарлигига қаратиш, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда кадрлар малакасини ошириш учун уларнинг жойларини ўзгартириб (ротация) туриш ёки алмаштириш; корхонада ўтган ҳисбот даври якуни бўйича ёки бир неча йиллик молиявий

ҳисботлар ҳамда операциялар асосида таҳлил ўтказиб бориши, таҳлил натижасида фаолиятнинг оқсаётган бўлимлари, хусусан, режалаштириш, маркетинг ва бошқа жиҳатлардаги хатоликларни аниқлаш тартибини йўлга қўйиш; ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кам сотилиш ёки умуман сотилмаслик сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Шунингдек, бозор шароитларидан келиб чиқиб, маҳсулот сифатини оширишга харажатлар миқдорини белгилаш ёки маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш; корхонада солиқ имтиёзларидан оптимал даражада фойдаланиш, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, солиқларни қисқартириш бўйича стратегияни шакллантириш; харажатлар тузилмасини, хусусан, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини

ташкил этувчи харажатлар таркибини таҳдил қилиб бориш ва уларни имконият доирасида қисқартириш чораларини кўриш; активларни инвентаризация қилиш натижасида фойдаланиш дараҷаси юқори бўлмаган ёки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш натижасида кераксиз ҳолга келган, фойдаланиш самара келтирмайдиган активларни сотиш борасида чоратадбирлар ишлаб чиқиш борасида ишларни самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашда унинг даромад ва умумий ҳара-

жатларининг давомийлиги, инвестиция маблағлари, солиқ сиёсатига ҳам эътибор бериш зарур.

Корпоратив бошқарув стратегиясида инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш компанияларнинг бўлажак ҳолатини белгилашда муҳим ўрин тутади. Чунки инвестицион стратегиянинг амалга оширилиши турли ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Бунинг учун инвестицион стратегияни ишлаб чиқишида, аввало, инвесторларнинг фаолиятини яхши ўрганиб чиқиши зарур. Улар нафақат инвестиция самарадорлиги, балки бутун компания самарадорлиги ва барқарорлигидан манбаатдор бўлишлари керак.



**4-расм. Корпоратив бошқарувнинг замонавий услуги**

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Корпоратив компанияларнинг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишида стратегия кўрсатичларини аниқлаш инвестицияларнинг самарадорлигини оширишда катта фойда келтиради. Корпоратив бошқарувда шароитларга мослашган ҳолда ошадиган фойда ва даромадларни кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқарилаетган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш йўлида иш олиб бориш зарурати пайдо бўлади.


Жаҳон тажрибасида, айниқса Ғарбий Европа мамлакатларидағи компанияларда бюджетлаштириш тизими яхши йўлга кўйилган. Ўзбекистонда бу муаммо бўлиб ҳозирча корпоратив бошқарувда молиялаштиришнинг назар-

рий ва амалий жиҳатлари яхши ишлаб чиқилман. Шу сабабли, корпоратив компанияларни стратегик режалаштиришни молиялаштириш принципларини ишлаб чиқиш зарур ва фойдани ошириш ҳисобига молиялаштириш самарадорлигини оширишнинг омилларига эътибор бериш керак.

**Таҳдил ва натижалар.** Бугунги кунда қурилиш фаолияти билан шуғуланаётган тадбиркорларни ривожлантириш мамлакатимиз миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида фаолият

юритаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 40,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,7 мингтага ошганлигини кузатиш мумкин. Мазкур кўрсаткич 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан таққосланса, 19160 тага кўпайгани кўриш мумкин.

Курилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 185,4 фоизга ошиб, республика миқёсида фаолият юритаётган корхоналар таркибида курилиш корхоналарининг улуши 8,6 фоизни ташкил этди (5-расм).



**5-расм. Курилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар бўйича маълумот (бирлиқда)**

*Манба:* Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатаётган корхоналар таркибида бино ва иншоотлар қуриш 58,0 фоизни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,0 фоиз), фуқоролик обеъктларини қуриш 9,3 фоизни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 122,2 фоиз) ва ихтинослаштирилган қурилиш ишлари 32,6 фоизни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 120,8 фоиз) ташкил этди.

Курилишнинг асоси бўлган цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш борасида ҳам тизимили ишлар йўлга қўйилган. Айни пайтда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтинослаштирилган 29 та корхона бўлиб, уларнинг йиллик қуввати йил охирига қадар 20 млн. тоннани ташкил қиласди. Бунда “Қизилкўм-цемент”, “Оҳангаронцемент”, “Кувасойцемент”, “Бекободцемент” акциядорлик жамиятлари сингари йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссаси катта.

Таъкидлаш жоиз, қурилиш соҳасида хусусан, қурилиш материаларини ишлаб чиқаришга инвестицияларни кенг жалб этиш орқали маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатни оширишга, энг муҳими бугунги кундаги устувор вазифа аҳолини иш билан таъминлаш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2016 йилда 360 млн доллар инвестиция соҳага жалб қилинган бўлса, ўтган 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1 млрд 332 млн долларга етказилди. Унинг 680,4 млн доллари хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилганимизда, қурилиш саноати корхоналарида бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш, ушбу хўжалик субъектларида рағбатлантирувчи бошқарув тизимини шакллантириш имконини беради. Умуман, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати корхонасининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш мураккаб жараёндир. Буни ҳал қилиш турли ёндашув ва усувлар ёки эксперт баҳолашга боғлиқ. Чунки асосий масала қисқа ва узоқ муддатли даврларга мўлжалланган чоратадбирлар, математик ҳисоб-китоблар ва статистик далилларга ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда корпоратив тузилмаларда ташкилий иқтисодий механизmlарни бошқариш, инновацион жараёнларнинг ташкилий-бошқарув механизmlарини такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, бошқаришга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш, уларнинг ўзига хослигини ёритиб бериш, инновацион салоҳиятни баҳолаш асосида инновацион жараёнларни бошқаришга доир услубиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Шу сабабли корпоратив тузилмаларни бошқариш, корпоратив муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, инновацион жараёнларни фаоллаштириш механизmlаридан фойдаланиш ҳамда корпоратив тузилмалар инновацион муҳитини ривожлантиришда стратегик бошқарув усувларини жорий этишнинг мақбуллик даражасини ўрганиш ҳамда мамлакатимизда ўтказила-

ётган иқтисодий ислоҳотларга мос замонавий ёндашувни амалга ошириш қурилиш саноатини ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналарини бошқа-

ришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, унинг элементлари муносабатларини яхшилаб бориш ушбу соҳада фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.:2000. –198 с.
4. Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур //Риск. –Москва, 2004.-№1-2, -4 с.
5. Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). –Т.: Изд-во Нац.б-ки Узбекистана, 2005.-132 с.
6. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. –Т.: Академия, 2007. –48 б.
7. Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография.–Т: Академия, 2007.–319 б.
8. Ҳамидулин М. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография.–Т: Молия, 2008.–204 с.
9. Ҳашимов А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини таомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори....дисс.иши. – Т.: 2007. – 338 б.
10. Ташходжаев М.М. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни таомиллаштириш ўйналишлари: Иқт. фан. номз.... дисс. иши. – Т.: ТДИУ, 2012. – 132 б.
11. Муминова Э.А. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини таомиллаштириш Иқт. фанлари доктори автореф. – Т.ДБА: 2021. – 746.

### КИМЁ САНОАТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Амиркулов Акрам Зияевич -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада кимё саноати корхоналарида ракобатда устунликни таъминлашга ўйналилган корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубини таомиллаштириш масалалари ўрганилган.

**Ключевые слова:** корпорация, бошқариш, корпоратив бошқарув, тизим, самарадорлик, баҳолаш, услугуб.

### ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕТОДОЛОГИИ СИСТЕМЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

**Амиркулов Акрам Зияевич -**

Независимый исследователь Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы совершенствования методики оценки эффективности системы корпоративного управления, направленной на обеспечение конкурентных преимуществ в химической отрасли.

**Ключевые слова:** корпорация, менеджмент, корпоративное управление, система, эффективность, оценка, стиль.

### IMPROVING THE EFFICIENCY METHODOLOGY OF CORPORATE MANAGEMENT SYSTEM IN THE CHEMICAL INDUSTRY

**Amirkulov Akram Ziyaevich -**

Independent researcher at Tashkent State University of Economics

**Annotation.** The article examines the issues of improving the method of evaluating the effectiveness of the corporate governance system, aimed at ensuring competitive advantage in the chemical industry.

**Keywords:** corporation, management, corporate governance, system, efficiency, evaluation, style.